XALQ DEPUTATLARI CHILONZOR TUMAN KENGASHINING
Q A R O R I

2021 - yil 30 - dekabr II-53-83-14-204-K/21 Chilonzor tuman hokimligi

Чилонзор туманининг 2022 йил учун маҳаллий бюджетини

тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 24-моддалари, Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни, Бюджет кодексининг 99-моддасини инобатга олиб, Тошкент шаҳар ҳалқ депутатлар Кенгашининг 2021 йил 30 декабрдаги VI-53-165-14-0K/21-сонли қарорига асосан 2022 йил учун Чилонзор тумани маҳаллий бюджетини қабул қилиш бўйича Халқ депутатлари Чилонзор туман Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1.Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига (кейинги ўринларда Қонун деб аталади) мувофиқ 2022 йил учун Чилонзор туман маҳаллий бюджети маълумот учун қабул қилинсин.

2.Қонунга асосан 2022 йилда:

а) Қуйидаги солиқ турлари Чилонзор туман маҳаллий бюджетига тўлиқлигича ўтказиб берилади:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи,

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи,

жисмоний шахсларнинг мол-мулкларни ижарага беришдан оладиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғи,

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно,

қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда туман даражасидаги давлат активларини ижарага бериш ва хусусийлаштиришдан тушадиган даромадлар,

б) Қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар Тошкент шаҳар ва Чилонзор туман маҳаллий бюджетлари ўртасида тақсимланади:

якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилишдаги акциз солиғи,

айланмадан солиқ,

юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ,

юридик шахслар ер солиғи,

мобил алоқа хизматлари, тамаки ва алкогол махсулотлари учун акциз солиғи, шу жумладан пиво учун аксиз солиғидан тушумлар 2021 йил 1 июль ҳолатига кўра Чилонзор туман аҳолисини республика аҳолисидаги улушига мувофиқ ўтказиб берилади.

3.Қарорнинг:

- 3-иловасига мувофиқ, Чилонзор тумани маҳаллий бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари тасдиқланганлиги;

2022 йил учун туман маҳаллий бюджетида йўл қўйиладиган айланма касса маблағларининг энг кам миқдори 1 620 360,0 минг.сўм этиб белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

4.2022 йил учун Чилонзор тумани маҳаллий бюджети даромадлари прогнози 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5.2022 йил учун Чилонзор тумани маҳаллий бюджетидан бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6.2022 йил учун Чилонзор туман маҳаллий бюджети захира жамғармаси ҳажми 1 490 956 минг сўм миқдорида белгилансин ҳамда захира жамғармаси маблағларини туман бюджетида кўзда тутилмаган, кечиктириб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий беқарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилиши таъминлансин.

7.Чилонзор туманининг туман бюджетида шаклланган қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги қарорлар туман Кенгашлари томонидан туман ҳокимлиги таклифларига асосан биринчи навбатда ижтимоий соҳа муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилиш мақсадида қабул қилинади.

8.Чилонзор туман ҳокимлиги, туман молия бўлими ва бюджет маблағларини тақсимловчилари:

туман ҳокимлиги ташаббусига кўра амалга ошириладиган қўшимча тадбирларни молиялаштириш фақат туман маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан амалга оширилсин;

туман бюджет маблағларини тақсимловчилар томонидан тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат, дори-дармон ва коммунал хизматлар учун харажатларнинг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирилишини назоратга олсин;

туман маҳаллий бюджетининг қўшимча даромадларини 30 фоизидан кам бўлмаган миқдорда жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирсин ва веб-сайтларига уларнинг натижаларини жойлаштирсин.

9.Чилонзор туман ҳокимлиги, чораклар якуни бўйича мазкур қарорнинг 1-иловасида келтирилган даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари ҳокимликнинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, Тошкент шаҳар ҳокимлигига харажатларни мақбуллаштириш билан бирга киритилган мурожаатига асосан тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш

юзасидан таклифлар киритади.

10.Чилонзор туман ҳокимлиги:

Тегишли равишда бюджет маблағлари тақсимловчиларининг бюджет маблағларидан самарали фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалар ҳар чорак якуни бўйича ҳисоботларини Кенгашга киритилишини ва мажбурий тартибда ўз расмий веб-сайтларига жойлаштирилишини таъминласин;

бюджет даромадлари ва харажатларининг кўрсаткичлари бўйича бажарилишини таъминлаш, солиқ базасини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши устидан қатъий назоратни ўрнатиши учун туман Кенгашига доимий равишда маълумот киритиб борсин;

Қонунда белгиланган айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

11.Мазкур қарор 2022 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

12.Ушбу қарор бажарилишини назорат қилиш Халқ депутатлари Чилонзор туман Кенгашининг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси (М.Абдукадиров) ва Чилонзор туман ҳокимлиги зиммасига юклатилсин.

13.Ушбу қарор ижроси юзасидан келиб чиқадиган низолар суд тартибида ҳал қилинади.

Kengash Raisi **Ahmedov O. Y.**

Халқ депутатлари Чилонзор туман
Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
II-53-83-14-204-K/21-сон қарорига
1-илова

2022 йилги Чилонзор тумани бюджети

даромадлари прогнози

минг сўмда

Т/Р	**Даромад турлари**	**Жами**
ЖАМИ		**158 073 167,0**
1	Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғи	29 074 000,0
2	**Акциз солиғи:**	**42 313 925,0**
3	*Шундан:*	
	Тамаки маҳсулоти учун акциз солиғи	17 188 752,0
	Алкоголга акциз солиғи (шу жумладан пиво)	16 027 610,0
	Уяли алоқа	9 130 805,0
4	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	17 764 000,0
5	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	3 069 000,0
6	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	11 675 000,0
7	Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи	4 356 000,0
8	Айланмадан олинадиган солиқ	29 814 000,0
9	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	6 392 000,0
10	Ижарадан тушум (*давлат активларини ижарага бериш хусувсийлаштиришдан*)	7 139 000,0
11	Бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ (АЗС)	6 443 000,0

Халқ депутатлари Чилонзор туман
Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
II-53-83-14-204-K/21-сон қарорига
2-илова

2022 йил учун Чилонзор тумани бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган ажратмаларнинг чекланган миқдори

минг сўмда

№	Кўрсаткичлар	2022 йил
Чилонзор туман бўйича харажатлари миқдори, Жами:		**158 073 167,0**
Шундан:		
Жорий харажатлар		***158 073 167,0***
1	Халқ таълим соҳаси	15 661 382,0
	жорий харажатлар	*15 661 382,0*
2	Мактабгача таълим соҳаси	16 630 621,0
	жорий харажатлар	*16 630 621,0*
3	Соғлиқни сақлаш соҳаси	59 876 453,0
	жорий харажатлар	*59 876 453,0*
4	Маданият ва оммавий ахборот воситалари соҳаси	1 332 827,0
	жорий харажатлар	*1 332 827,0*
5	Жисмоний тарбия ва спорт соҳаси	4 180 059,0
	жорий харажатлар	*4 180 059,0*
6	Болали оилаларга ва кам таъминланган оилаларга нафақалар ва компенсациялар	12 556 402,0
	жорий харажатлар	*12 556 402,0*
7	1941-1945 йиллардаги уруш фахрийлари ва унга тенглашти-рилган шахслар учун асосий турдаги озиқ-овқат махсулотлари ва гигиена товарларини бепул бериш харажатлари	66 865,0
	жорий харажатлар	*66 865,0*
8	Ижтимоий кўникма маркази	220 918,0
	жорий харажатлар	*220 918,0*
9	Ободонлаштириш соҳаси	19 635 011,0
	жорий харажатлар	*19 635 011,0*
10	Давлат бошқарув органларини сақлаш	8 380 786,0
	жорий харажатлар	*8 380 786,0*
11	Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш	8 580 717,0
	жорий харажатлар	*8 580 717,0*
12	Заҳира жамғармаси	1 490 956,0
13	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси	7 453 575,0
14	Маҳаллий бюджетларда ҳоким ёрдамчиларининг тавсиялари асосида маҳалла инфратузилмасини яхшилаш учун	1 883 738,0

Халқ депутатлари Чилонзор туман
Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
II-53-83-14-204-K/21-сон қарорига
3-илова

2022 йилги Чилонзор тумани маҳаллий бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари

Т/Р	**Солиқ турлари**	**Ажратма меъёрлари (фоизда)**
1	*Бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ*	20
2	*Алкоголга акциз солиғи (шу жумладан пиво)*	*Ахоли жон бошига нисбатан*
3	*Тамаки маҳсулоти учун акциз солиғи*	*Ахоли жон бошига нисбатан*
4	*Уяли алоқа*	*Ахоли жон бошига нисбатан*
5	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	6
6	Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи	7
7	Айланмадан олинадиган солиқ	28